

2- илова  
Хизмат курсатиш ва ажратилган  
алокани тестдан ўтказиш  
№ 4218771 сонли шартнома

«08» 01. 2022 й.



4218771- СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

ДАЛОЛАТНОМА

«Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали, Жиззах ШТБ кейинчалик «Оператор» деб юритилувчи, ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ кейинчалик «Абонент» юритилувчи, оператор томонидан абонентга телекоммуникация хизматлари тақдим этилаётганлиги сабабли ажратилган алоқа тармоғини тестдан ўтказишни топшириш ва қабул қилиш. Телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича тузилган шартномага асосан хизматта уланишни амалга оширдилар.

№	Уланган хизмат тури номи	Сана	Бажарилгани ҳақида белги
I	Тақдим этилаётган хизмат тури <input type="checkbox"/> Интернет <input type="checkbox"/> VPN <input type="checkbox"/> IPTV <input type="checkbox"/> Телефон	Ишга тушуриш санаси: «__» _____ 2022г.	Бажарилди

«Оператор»

«Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали  
Жиззах ШТБ

Жиззах ШТБ раҳбари И.Пайзуллаев  
М.п.



«Абонент»

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

М.п.

Директор



«08» 01. 2022 йил

Жиззах ш. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан «06» январь 2022 йил №52-01-08/09 сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Жиззах филиали Жиззах шаҳар телекоммуникация боғламаси бошлиғи И.Пайзуллаев (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан, ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи И. Каримов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузди;  
- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари таътиб этилади.

3.1.1. Мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари таътиб этилади ва ойлик ҳисоб 100 (бир юз) фоиз микдоридан олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 ( бир юз) фоиз микдоридан олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган) 82800 (Саксон икки миңга саккиз юз) сўми ташкил этади. Ушбу сумма 6900 (Олти миңга тўққиз юз) сўми микдоридан Абонент тўловини ҳамда ( ) микдориданги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаसा, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь оyi учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатишга деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойда тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобиди, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертнинг 6.15-қичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганда 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертнинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертнинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Жиззах туманларо иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертнинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган арiza/эътирознома/шикоят/тақлиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Яқиний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга кирди ва 20 \_\_\_\_ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнгра, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таътиб этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирди ва 20 \_\_\_\_ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

«Оператор» «Ўзбектелеком» АҚ Жиззах филиали	«Абонент» ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ
Жиззах ШТБ	Манзил:
Манзил: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов 46 уй	Тел./Факс:
Тел: Факс (72)226-40-50	Х/р:
Х/р: 2021 0000 2040 7483 8426	Банк номи:
Алоқабанк АТБ Жиззах филиали	МФО:
МФО: 00401	ОКЭД:
СТИР: 203 366 731	Контактные телефоны:
ОКЭД: 61100	Тел: Тел: 234-07-22, Факс: 234-71-84
Корпоратив миқозлар билан ишлаш бўлими	Эл.Почта:
телефон рақами Тел: 72(224-00-04)	Директор
Call марказ 1155	М.П.
Эл.Почта: jiztel@uztelecom.uz	И.Пайзуллаев
Жиззах ШТБ	Юрисконсулт
бошлиғи	А.М.Холбеков
М.П.	
Юрисконсулт	

*Мана сориет. Шафқ*

**Кўрсатиладиган хизмат**

**1. Хизмат турлари ва уларнинг тарифлари**

Қиймат бирлиги Миллий валюта – Сўм

№	Хизматлар номи	Баҳоси (Нархи) ҚҚС билан	Асос	сони	Сўммаси, ҚҚС билан сўм
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир вақтдаги (бир марталик) тулов</b>					
1.1					
<b>II. Хар ойлик тулов</b>					
2.1	Сўзлашувлар тўлови вақтбай тизимига ўтказилган АТСда PRI хизматларига эга телефондан фойдаланиш учун абонент тўлови, бир ойда	6900	Нархнома	1	6900
<b>Жами (олдиндан тулов)</b>					<b>6900</b>

Шартнома бўйича тўланадиган абонент тўлови : 82800 (Саксон икки миң саксон юз) сўм,  
15% ҚҚС билан ва бир марталик тулови 6900 (Олти миң тўқтинчи) сўм, 00 тийин, 15% ҚҚС билан.

«Оператор»  
«Ўзбектелеком» АҚ «Жиззах» филиали  
Жиззах ШТБ  
Жиззах ШТБ бошлиғи  
И.Пайзуллаев  
М.П.



«Абонент»  
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ  
Директор  
И. Каримов  
М.П.

